ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
НӨКИС ҚАЛАСЫ ҲӘКИМИНИҢ

Ш Е Ш И М И

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НУКУС ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ

Қ А Р О Р И

Нөкис қаласы, А.Досназаров көшеси, 96 — Нукус шаҳри, А.Досназаров кўчаси, 96

№ 02/05-08 — «19» 05 2021 -ж.й

Нукус шаҳар ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорларини бекор қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонунининг 5, 25-моддасига асос Нукус шаҳар ҳокими

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармонида 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Нукус шаҳар ҳокими томонидан қабул қилинган эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ҳокимликнинг матбуот хизмати мазкур қарорнинг расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор расман эълон қилингандан кейин кучга кириши белгилансин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ҳоким ўринбосари Р.Ибрагимов зиммасига юклатилсин.

Ҳоким **У.Панаев**

KO'SHIRMA
DURIS